



**«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Бўз-сув ирригация тизми  
бошқармаси бошлиғи**

**Р.Фазилов**

Бўз-сув ирригация тизми бошқармаси бошқармасида 2022 йил учун бажариладиган жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Тошкент – 2022 йил.

## Танлов ҳужжатларининг қисқача мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома.
2. Нархлар қисми.

## Танлов иштирокчиси учун йурикнома

### 1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

- 1.1. **Танлов предмети:** Бўз-сув ирригация тизми бошқармаси ҳисобидаги канал тизимлари ва улардаги гидротехника иншоотларини таъмирлаш-тиклаш ва жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
- 1.2. **Танлов қиймати 19 488 000,0 сум.** Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.
- 1.3. Бажариладиган ишлар буйича техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари буйича, голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблаги утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. Танлов ташкилотчилари

- 2.1. **Бўз-сув ирригация тизми бошқармаси** (бундан буён «Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
Манзили: Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Арихекторлар 1 уй  
Эл.адрес:
- 2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид утказиш комиссияси томонидан утказилади.
- 2.3. Танлов **Бўз-сув ирригация тизми бошқармаси** томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид утказиш комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда утказилади.

### 3. Танлов иштирокчилари

- 3.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади.

- Танлов предмети кийматининг камида 20% микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахасисларининг мавжудлиги.

- Шартнома тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳукукий лаёкат ва ваколатлар.

- Танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги.

- Уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар.

- Танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50% кам булмаган ҳолда).

- Низом маблаг микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танлов иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида этишга руҳсат берилмайди.

- Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир-бирига молиявий керамлиги мавжудлар.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш.**

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида куйидаги ҳужжатлар такдим этилиши лозим.

- Техник қисм, «Буюртмачи» томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак.

- Нархлар кисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

- Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдиқланган холда такдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади.

- Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади).

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Факат бита таклиф бериши мумкин.

- Такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулик жавобгар булади.

- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар булади.

5.2. Танловлар утказиш буйича тузилган харид утказиш комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. Бошка шартлар**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига

узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда курсатилган ахборот узайтирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

- 6.2. Танлов иштирокчиси таълов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.
- 6.3. Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баенномаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.
- 6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баенномаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушинтиришларни такдим этиши шарт.
- 6.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.